

Ақийда дарслари (91-дарс). Таъвил тушунчаси ва унинг қисмлари



13:30 / 22.06.2020 5337

«Таъвил» сўзи луғатда қайтиш маъносини англатади. Истилоҳда эса бир лафзнинг маъносини буриш ва уни зеҳнга илк келадиган маънодан бошқа маънога ёки кучли маънодан кучсиз маънога қайтаришдир. Агар ўша буриш ва қайтариш далил, исбот билан бўлса, у саҳиҳ таъвил, бўлмаса, бузуқ таъвил бўлади.

1. Аллоҳнинг Китоби ва Унинг Расулининг суннатида баён қилинган «таъвил» тушунчасини шундай ифодалаш мумкин: Калом қайтадиган ҳақиқат таъвил дейилади. (Яъни, сўздан кўзланган ҳақиқат таъвил дейилади. *Тарж.*). Хабарнинг таъвили берилган хабарнинг айна ўзидир. Амрнинг таъвили буюрилган ишнинг ўзидир. Бу худди Оиша розияллоҳу анҳодан ривоят қилинган қуйидаги маънога ўхшайди: «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам рукуъларида: «Субҳанакаллоҳумма ва биҳамдика, Аллоҳумма иффир ли», дер эдилар. Қуръонни таъвил қилар эдилар». Яъни Қуръонда қилинган амрни бажарар эдилар.

«Улар унинг таъвилини кутмоқдалар, холос. Унинг таъвили келган кунда илгари уни унутганлар: «Роббимизнинг расуллари ҳақ ила келган эканлар...» дерлар» (Аъроф сураси, 53-оят).

Яъни: Аллоҳнинг каломининг ҳақиқати ва тасдиғи келган кунда, деганидир.

2. Муфассирлар каломидаги «таъвил» тушунчаси қуйидаги маъноларга далолат қилади:

У каломни унинг зоҳирига тўғри келадими-йўқми, тафсир қилиш ва унинг маъносини баён қилишдир. Бу маъруф истилоҳдир. Бу таъвил худди тафсирга ўхшаб тўғриси мақталади, ботили ёмонланади.

3. Мутааххир фақиҳ ва мутакаллимлар истилоҳидаги таъвил тушунчаси шундай баён қилинади:

Лафзни кучли эҳтимолдан кучсиз эҳтимолга ўша нарсани вожиб қилувчи далолат юзасидан буриш таъвилдир. У ҳақда баҳс-мунозара бўладигани ҳам шудир. У икки қисмдан – саҳиҳ ва фосид таъвилдан иборатдир.

Саҳиҳ таъвил Қуръон ва Суннат таълимотлари далолат қилган маъноларга мувофиқ бўлади.

Фосид таъвил эса унга хилоф бўлади.

Муаллифнинг «Ким (Аллоҳнинг сифатларини) **инкор қилишдан ва ўхшатишдан сақланмаса, йўлдан тояди ва** (Аллоҳни нолайиқ сифатлардан) **поклашга эриша олмайди**», дегани «Ким таъвил йўли билан ёки бошқа йўл билан Аллоҳ таолонинг сифатларини инкор қилишдан сақланмаса, шунингдек, Аллоҳнинг сифатларини Унинг махлуқлари сифатига ўхшатишдан сақланмаса, Аллоҳга махлуқотларининг сифатларидан бирини нисбат берса, ҳақдан тойган бўлади ва ҳеч қачон У Зотни поклашга эриша олмайди», деганидир. Бу мўътазилийларга ва кўриш масаласида улар билан ҳамфикр бўлганларга раддиядир. Шунингдек, Аллоҳни Унинг махлуқотларидан бирор нарсага ўхшатадиганларга ҳам раддиядир.

Аллоҳни Унинг махлуқотларига ўхшатиш куфр эканига далил:

«У Зотга ўхшаш ҳеч нарса йўқдир», деган оятдир (Шууро сураси, 11-оят).

Шунингдек, Аллоҳ таолонинг собит сифатларини инкор қилиш ҳам куфрдир. Чунки У Зот: «У эшитувчидир, кўриб турувчидир», деган (Шууро сураси, 11-оят).

«Ақоид илми ва унга боғлиқ масалалар» китобидан